



“ 30 ” октябрь 2020у № 98

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг миллий статистика тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4796-сон қарори ижросини амалга ошириш Графиғи билан тасдиқланган “2020-2025 йилларда статистиканинг ривожлантиришнинг миллий стратегиясини амалга ошириш бўйича Йўл харитаси”нинг ижросини таъминлаш ҳамда статистик маълумотлар тарқатиш ва тақдим этиш ишларини янада такомиллаштириш мақсадида,

БУЙУРАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг “Расмий статистикани тарқатиш идоравий сиёсати” иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Йиғма-ахборот ишлари бошқармаси (Х.Жураев), Халқаро ҳамкорлик ва ахборот алмашув бошқармаси (О.Мамадалиев), Ахборот хизмати (У.Абдурасулов), Давлат статистика қўмитасининг марказий аппарати бошқармалари (бўлимлари) ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар статистика бошқармалари расмий статистикани тарқатиш ва фойдаланувчиларга тақдим этиш жараёнида мазкур Сиёсатга амал қилинишини таъминласинлар.

3. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш ва ижро интизоми назорати бошқармаси (Ф.Бердибаев) мазкур Сиёсатни Давлат статистика қўмитасининг марказий аппарати бошқармалари (бўлимлари) ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар статистика бошқармаларига етказсин.

4. Давлат статистика қўмитасининг 2011 йил 15 августдаги 28-сон буйруғи ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш Раиснинг биринчи ўринбосари Д.Холмуродов зиммасига юклатилсин.

Раис

Б. Бегалов

Ўзбекистон Республикаси
Давлат статистика қўмитасининг
2020 йил «30» октябрдаги
98 - сонли буйруғига илова

**Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг
Расмий статистикани тарқатиш
идоравий сиёсати**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг Расмий статистикани тарқатиш идоравий сиёсати (кейинги ўринларда - Сиёсат) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг миллий статистика тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4796-сон қарорига мувофиқ, давлат статистика органлари томонидан фойдаланувчиларга расмий статистикани тарқатиш ва (ёки) тақдим этиш жараёнининг шаффофлигини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган ва фойдаланувчиларнинг расмий статистикага ва унинг методологиясига бўлган ишончини оширишга қаратилган.

Ушбу Сиёсат, таркибида давлат сири ва қонун билан муҳофаза қилинадиган бошқа сирларга эга статистик маълумотларга нисбатан қўлланилмайди.

2. Ушбу Сиёсатда қуйидаги асосий тушунча ва таърифлардан фойдаланилади:

расмий статистика – Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий, демографик, ижтимоий, молиявий ҳамда экологик ҳодиса ва жараёнларини репрезентатив асосда тавсифловчи, расмий статистика бўйича Қонун талабларига, шунингдек, умумэътироф этилган статистик методология ва тавсияларга мувофиқ ишлаб чиқадиган ҳамда тарқатилувчи статистик маълумотлар;

расмий статистикани тақдим этиш – манфаатдор фойдаланувчиларнинг мурожаатларига мувофиқ, йиғма статистик ва таҳлилий маълумотлардан фойдаланишни таъминлаш;

расмий статистикани тарқатиш - йиғма статистик маълумотларни махсус нашрларда, оммавий ахборот воситаларида чоп этиш ва кенг жамоатчилик учун Давлат статистика қўмитасининг Интернет тармоғидаги расмий сайтида ва бошқа ахборот-телекоммуникация тармоқларида жойлаштириш;

3. Расмий статистикани тарқатиш ва (ёки) тақдим этиш жараёнида давлат статистика органлари ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан тасдиқланган Расмий

статистиканинг асосий принциплари ҳамда мазкур Сиёсатга мувофиқ амалга оширади.

4. Расмий статистика, тарқатилиши ва (ёки) тақдим этилиши чекланган маълумотлардан ташқари, барча учун очикдир.

5. Расмий статистика ишончлилиқ, холислиқ, беғаразлиқ, долзарблиқ, қиёсийлиқ, қулайлиқ, очик-ойдинлиқ ва ошкоралиқ принципларига асосланган ҳолда фойдаланувчиларга тарқатилади ва (ёки) тақдим этилади.

6. Расмий статистиканинг рўйхати ва уни шакллантириш муддати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган “Давлат статистика ишлари дастури” билан белгиланади.

7. Расмий статистикани тарқатиш даврийлиги фойдаланувчиларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

8. Фойдаланувчилар учун расмий статистикани эълон қилиш, Давлат статистика қўмитасининг Интернет глобал тармоғидаги расмий веб-сайтида, статистик маълумотларнинг тайёрланиш санаси ва аниқ вақти кўрсатилган “Маълумотларни эълон қилиш тақвими”га мувофиқ амалга оширилади.

9. “Маълумотларни эълон қилиш тақвими” Давлат статистика ишлари дастури асосида чораклар ва ойлар бўйича тақсимланган ҳолда бир йил учун ишлаб чиқилади. Тақвимда кўрсатилган расмий статистиканинг эълон қилинадиган санасидан ҳар қандай кечикишлар, фойдаланувчиларга эълон қилиниши белгиланган кундан 1 кун олдин кечиктирмай хабар берилади. Ушбу тақвим асосида маълумотлар ойлик, чораклик ва йиллик даврларда янгилаб борилади.

Аввал эълон қилинган маълумотларга тузатишлар киритилганда маълумотлар янгиланади ва фойдаланувчиларга Давлат статистика қўмитасининг расмий веб-сайти орқали хабар берилади.

10. Расмий статистика ўзаро мувофиқлаштирилган ва кетма-кетликка эга маълумотлар бўлиб, турли манбалардан шакллантирилганда ягона стандартлар, тушунчалар, атамалар ва уларнинг таърифлари, таснифлагичлардан фойдаланилади.

11. Фойдаланувчиларга тарқатиладиган ва (ёки) тақдим этиладиган расмий статистика, мазкур маълумотларнинг тўғри талқин қилиниши учун метамаълумотлар билан таъминланади. Расмий статистика методологиясидаги сезиларли ўзгаришлар ҳақида фойдаланувчиларга олдиндан маълумот берилади.

12. Кейинчалиқ қайта кўриб чиқиладиган расмий статистика фойдаланувчиларга тарқатилганда ва (ёки) тақдим этилганда, дастлабки маълумот эканлиги аниқ кўрсатилади.

13. Эълон қилинган расмий статистикада аниқланган хатолар тузатилади, тузатилган маълумотлар расмий статистикадан фойдаланувчиларни хабардор қилиш учун эълон қилинади.

14. Давлат статистика органлари расмий статистикадан нотўғри фойдаланиш ёки маълумотларни нотўғри талқин қилиниши юзасидан зарур ҳолларда изоҳ бериши мумкин.

15. Расмий статистика фойдаланувчиларга статистик нашрларни (тўпламларни) чоп этиш, оммавий ахборот воситалари ҳамда давлат статистика органларининг Интернет глобал тармоғидаги расмий веб-сайтларида эълон қилиш, шунингдек, тузилган шартномалар (келишувлар) ва фойдаланувчиларнинг бир марталик сўровлари асосида тарқатилади ва (ёки) тақдим этилади.

16. Расмий статистика хорижий давлатларнинг статистик идораларига ва халқаро ташкилотларга Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси билан тузилган келишувларга мувофиқ, шунингдек расмий статистика алмашинувида асосан тақдим этилади.

17. Давлат статистика органлари расмий статистик маълумотларни оммавий ахборот воситаларига пресс-релизлар, хабарлар, шарҳлар ва бошқа ахборот материаллари шаклида бепул тақдим этади.

18. Расмий статистика фойдаланувчиларга Ўзбекистон Республикасининг ахборот, ахборотлаштириш ва ахборот хавфсизлиги ҳамда бирламчи статистик маълумотлар махфийлигини таъминлашга оид қонун талабларига мувофиқ тарқатилади ва (ёки) тақдим этилади.

19. Давлат статистика органлари томонидан ишлаб чиқарилган расмий статистикани тарқатиш ва (ёки) тақдим этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси томонидан белгиланади.

20. Мазкур Сиёсатни амалга оширишни мониторинг қилиш мақсадида:

ҳар йили Давлат статистика қўмитасининг Интернет глобал тармоғидаги расмий веб-сайтида давлат статистика органлари томонидан тақдим этилаётган маълумотлардан фойдаланувчиларнинг қониқиш даражасини ўрганиш юзасидан сўровлар ўтказилиб борилади;

ҳалқаро ташкилотлар томонидан миллий статистика тизимини глобал баҳолаш, тармоқ кузатувларини ўтказиш амалга оширилади.

21. Мазкур Сиёсатни амалга ошириш давлат статистика органларининг ўз фаолиятини доимий равишда такомиллаштириб бориши ва халқаро статистика тизимида қабул қилинган сифат мезонларига риоя қилиш мақсадини ифодалайди.